2015 ЙИЛ 24 ФЕВРАЛЬ, СЕШАНБА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 48 (12.861)

Баҳоси эркин нархда

## ЕВРОПАДА ХАВФСИЗЛИК ВА ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИНИНГ ДЕМОКРАТИК ИНСТИТУТЛАР ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА БЮРОСИ КУЗАТУВЧИЛАРИ МИССИЯСИ ИШ БОШЛАДИ

***Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясида элчи Каетана де Зулуета раҳбарлигидаги Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг (ЕХҲТ) Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси кузатувчилари миссиясининг асосий гуруҳи аъзолари билан учрашув бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш, шунингдек, миссия фаолиятини ташкил этиш масалалари бўйича атрофлича фикр алмашилди.***

Марказий сайлов комиссияси раисининг ўринбосари К.Одилов меҳмонларни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича асосий тадбирлар дастурининг амалга оширилиши билан таништирди.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда халқаро сайлов стандартларига мувофиқ демократик сайловлар ўтказиш борасида ижобий тажриба тўпланган таъкидланди. Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқи кафолатларини янада мустаҳкамлаш, сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича миллий тажрибани бойитишга йўналтирилган сайлов қонунчилиги мунтазам такомиллаштириб борилмоқда. Марказий, округ ва участка сайлов комиссиялари ўз фаолиятида сайлов кампаниясининг барча босқичларида қонунийлик, ошкоралик ва транспарентлик принципларига қатъий риоя этилишига алоҳида эътибор қаратмоқда.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддасига киритилган ўзгартишларга мувофиқ, сайловни ташкил этиш ва уни ўтказиш учун масъул конституциявий орган сифатида Марказий сайлов комиссияси мустақиллигининг ҳуқуқий кафолатлари сезиларли равишда мустаҳкамлангани, мустақиллик, қонунийлик, коллегиаллик, ошкоралик, адолатлилик комиссия фаолиятининг асосий принциплари экани таъкидланди. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига киритилган қўшимчаларга биноан, сайлов жараёнига жалб этилган жисмоний ва юридик шахсларнинг сайлов қонунчилигига риоя этиш, Марказий сайлов комиссияси қарорларини сўзсиз бажариш бўйича жавобгарлиги кучайтирилгани алоҳида қайд этилди.

Ўз навбатида, ЕХҲТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси кузатувчилари миссияси раҳбари сайлов жараёнини кузатишга таклиф этгани учун миннатдорлик билдирди. У миссиянинг асосий вазифаси миллий сайлов қонунчилиги ҳамда сайловни ташкил этиш ва уни ўтказиш тажрибаси умум қабул қилинган халқаро нормалар, жумладан, ЕХҲТ стандартларига мувофиқлигини баҳолашдан иборат эканини таъкидлади.

— Миссия Ўзбекистондаги фаолиятини 23 февралдан бошлади, – дейди Каетана де Зулуета. – Ўзбекистонга 11 нафар халқаро эксперт келди ва миссиянинг Тошкентдаги штабида фаолият бошлади. 28 февраль куни узоқ муддат фаолият юритадиган 10 нафар кузатувчи келади. Улар Тошкент, Нукус, Бухоро, Самарқанд ва Фарғонада сайлов жараёнларини кузатади. Миллий қонунчилик базаси ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини баҳолаб, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайловолди тарғиботи, сайлов комиссиялари ва тегишли давлат органлари фаолияти ҳамда сайловчиларни рўйхатга олиш жараёнини кузатамиз. Шунингдек, оммавий ахборот воситаларини комплекс мониторинг қиламиз.

Учрашувда томонлар ЕХҲТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси миссияси фаолияти сайлов жараёнининг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлаш, уни миллий сайлов қонунчилиги, халқаро стандарт ва нормаларга мувофиқ ташкил этишга кўмаклашишига ишонч билдирди.

Шу куни ЕХҲТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси миссияси Тошкентда фаолияти бошланишига бағишланган матбуот анжумани ўтказди. Матбуот анжуманида оммавий ахборот воситалари вакилларини қизиқтирган саволларга жавоб қайтарилди.

Таъкидлаш жоизки, «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги қонуннинг 5-моддасига мувофиқ, миллий ва халқаро кузатувчилар сайловни кузатишда иштирок этиши назарда тутилган. Айни пайтда кузатув сайлов жараёнининг барча босқичларида, шунингдек, сайлов куни овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чиқишда амалга оширилиши мумкин.

Марказий сайлов комиссияси ўтган сайловларда бўлгани каби шу йил 29 март куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этиш учун Европа, Осиё, Америка ва Африка мамлакатларидан кўплаб кузатувчилар, шунингдек, халқаро ташкилотларнинг кузатувчилар миссияларини таклиф этди.


**Сардор ТОЖИЕВ,**
**ЎзА мухбири**

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



***Бугун касб-ҳунар коллежларида ўқувчиларни меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касбларни эгаллашга йўналтиришга катта эътибор қаратилмоқда. Ушбу мақсадга эришишда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари томонидан корхона ва ташкилотлар билан битирувчиларни иш билан таъминлаш бўйича яқин ҳамкорлик йўлга қўйилгани яхши самара бермоқда. Бу борада Тошкент ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежи муайян тажрибага эга, дея қайд этади ЎзА.***

## КАТТА ҲАЁТГА ЙЎЛЛАНМА



Мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси жадал ривожланиб бормоқда ва шу боис малакали ҳамда рақобатбардош кадрларга бўлган талаб ҳам ортиб бораётир. Масалан, ўтган йили коллеж битирувчиларининг 85 фоиздан ортиғи уч томонлама шартнома тузиб, иш билан таъминланди. Қолган битирувчилар эса олий ўқув юртларига ўқишга кирди. Таълим муассасаси меҳнат бозорида талаб юқори бўлган мутахассисларни тайёрлаш учун ижтимоий шериклар доирасини кенгайтирмоқда. Айни пайтда ахборот-коммуникация соҳасида 40 ташкилот, жумладан, «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси, «UZINFOCOM» маркази билан яқин ҳамкорлик йўлга қўйилган. Битирувчилар ушбу ташкилотларда ўқув-ишлаб чиқариш амалиётини ўтаб, ўқишни тамомлагач, ўз иш ўрнига эга бўлмоқда.

Ўқув жараёни малакали мутахассисларни тайёрлашда алоҳида ўрин тутади. Коллежда информатика, кимё, физика фанлари бўйича замонавий ускуналар билан жиҳозланган лаборатория хоналари мавжуд. Бундан ташқари, «Телекоммуникация» йўналиши бўйича мини АТС ташкил этилган бўлиб, бу ўқувчиларга олган назарий билимларини амалиётда қўллашга ёрдам беради.

Тошкент ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежи иш ўринлари ярмаркаларида ҳам мунтазам иштирок этиб келмоқда. Коллеж битирувчиларига ЭҲМ ва локал тармоқларга техник хизмат кўрсатиш, тизим маъмурчилиги, ахборот хавфсизлиги, дастурлаш каби иш ўринлари таклиф этилмоқда. Ўқитувчилар ўқувчиларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка жалб этишга ҳам алоҳида эътибор қаратаётир. Ўтган йили тўрт нафар битирувчи ҳар йили банклар томонидан ёшлар учун ажратилаётган имтиёзли кредитлардан фойдаланиб, ўз ишини бошлади.

Жорий ўқув йилида коллежни 900 нафарга яқин йигит-қиз тамомлайди. Уларнинг барчаси олий ўқув юртларига ўқишга кириб ёки мамлакатимиздаги йирик ва кичик корхоналарга ишга жойлашиб, катта ҳаётга йўлланма олади.

**М.ҚАРШИБОЕВ**

**Сайлов — 2015**

## ДОЛЗАРБ МАВЗУДАГИ СЕМИНАР

***Кеча Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан жойларда аҳолининг сайловга оид ҳуқуқий маданиятини янада юксалтиришга бағишланган семинар ўтказилди.***





Унда «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 14-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича тадбирлар календарь режасининг 19-бандига мувофиқ, аҳолининг миллий сайлов қонунчилигига оид ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш, сайловни умумэътироф этилган юксак демократик тамойиллар асосида уюшқоқлик билан ўтказишни таъминлаш мақсадида семинарларни ташкил этиш масалалари хусусида сўз борди.

Жойларда бўлиб ўтадиган семинарларда «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг мазмун-моҳияти, халқаро сайлов стандартлари ва Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови қонунчилиги, фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда сайлов комиссияларининг тутган ўрни, сайлов жараёнида қонунийликни таъминлаш, фуқаролик жамияти институтларининг сайловдаги ўрни, сайлов кампаниясининг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлашдаги оммавий ахборот воситаларининг аҳамияти, овоз бериш жараёнини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича қонуний тизимни кенг тушунтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилиши лозимлиги таъкидланди.

Семинарда Марказий сайлов комиссиясининг «Аҳолининг сайловга оид ҳуқуқий маданиятини янада юксалтиришга бағишланган семинарлар концепцияси» тўғрисидаги қарори ижросига оид масалалар атрофлича кўриб чиқилди

Таъкидлаш жоизки, ҳар қандай сайлов жараёнлари Конституция ва Қонунларнинг умумий ҳамда сайлов жараёнларига бевосита тааллуқли бўлган махсус принцип ва нормаларига таянади.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига кўра фуқаролар умумий, тенг, тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи, ўз хоҳиш – иродаларини эркин билдириш ва яширин овоз бериш принципларига асосан сайловни амалга оширадилар. Мазкур принципларнинг амалга оширилишининг ҳуқуқий механизмлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 32-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган ва у фуқароларнинг давлат бошқарувида бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этишлари имкониятини яратишга қаратилгандир.

Семинар ишида 14-Тошкент шаҳар округ сайлов комиссияси аъзоси, Тошкент давлат юридик университети ректори Е.Каньязов, Марказий сайлов комиссияси эксперти Г.Исмоилова, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясининг кафедра бошлиғи Х.Одилқориев, Марказий сайлов комиссияси Котибияти бўлим мудири Х.Абдурахманов, Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси бошлиғи А.Сафаев, Фуқаролик жамияти шакланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг лойиҳа раҳбари А.Йўлдошев, Марказий сайлов комиссияси Матбуот хизмати раҳбари Н.Нурматов, Марказий сайлов комиссияси Котибияти бўлим мудири Ғ.Машуровларнинг кун тартибидаги масалалар бўйича маърузалари тингланди.

Семинарда муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Ўзаро мулоқот ва фикр алмашиш руҳида бўлиб ўтган тадбирда иштирокчиларни қизиқтирган барча саволларга атрофлича жавоб берилди.

**Эргаш ИСМАТУЛЛАЕВ**

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 1-Қорақалпоғистон сайлов округида аҳолининг сайловга оид ҳуқуқий билимини оширишга бағишланган семинар бўлиб ўтди.

● Наманганда Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси ҳамда вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида таниқли ёзувчи ва шоирлар, маданият ва санъат намояндалари, талаба-ёшлар, кенг жамоатчилик иштирокида «Нима қилдик Ватан учун?» шиори остида ижодий фестиваль бўлиб ўтди.

● Фарғонада 2015 йилга мўлжалланган солиқ сиёсатининг асосий йўналишларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

● Жиззахда Ўзбекистон Республикасининг «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонуни ижросига бағишланган минтақавий семинар бўлиб ўтди.

● Хоразм вилояти Хонқа тумани Сарапоён қишлоғида маданият ва аҳоли дам олиш маркази фойдаланишга топширилди. Қишлоқ кўркига кўрк қўшган марказ биносида компьютер саводхонлиги, тўқувчилик, тикиш-бичиш, мусиқа ва спорт тўгараклари ташкил этилади.

● Қашқадарёда ғаллачиликда ҳосилдорликни янада ошириш ва бунда маҳаллий уғитнинг аҳамияти, уни ғалла майдонларига чиқаришни ташкил этиш масалаларига бағишланган семинар ўтказилди.

### ЖАҲОНДА

● Доминикан Республикасининг шимолий ва марказий ҳудудларида ёққан кучли жала туфайли аҳоли яшаш пунктларининг 40таси ташқи дунёдан узилиб қолди. Қарийб 21 минг киши эвакуация қилинди. Ёғингарчилик, айниқса, Мария-Тринидад-Санчас, Дуарте ва Пуэрто-Плата провинцияларида жиддий талафотларга сабаб бўлди. Тошқинлар оқибатида 4190 та турар жойга зарар етди.

● Жанубий Африка Республикасидаги «Harmonu Gold Mining» компаниясига қарашли олтин конида юз берган ёнғин оқибатида 487 нафар ишчи 2300 метр чуқурликда қолиб кетган эди. Кўрилган тезкор чора-тадбирлар натижасида уларнинг барчаси қутқарилди. Компания вакили Мемори Жонстоннинг айтишича, кончиларни ташқарига олиб чиқишда ортиқча қийинчиликка дуч келинмади. Энг муҳими, ишчилар омон қолди. Энди улар тиббий кўрикдан ўтишади. Ёнғин кондаги таъмирлаш ишлари вақтида юзага келган. Мутахассислар вазият мураккаблашмасдан аввал уни бартараф этишга муваффақ бўлишган.

● Япониянинг «Sony» компанияси томонидан яратилган «ақлли кўзойнак» («Smart Eyegiase»)лар шу йилнинг март ойидан эътиборан маҳаллий бозордан ташқари, АҚШ ва Европа давлатларида ҳам сотувга чиқарилади. Унинг нархи 840 АҚШ доллари атрофида «Android» операцион тизимида ишлашга мослаштирилган мазкур қурилманинг афзаллиги шундаки, ойнаси экран вазифасини ҳам бажаради. Яъни у орқали электрон хабарларни ўқиш, видео ва суратларни томоша қилиш мумкин.

29 март — сайлов куни

# ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ САМАРАДОРЛИГИ — ДОЛЗАРБ ВАЗИФА

***Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик жараёни давом этмоқда. «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонуннинг 28-моддасига мувофиқ, Марказий сайлов комиссиясининг Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайловолди ташвиқоти тўғрисидаги қарори асосида жойларда учрашувлар бўлиб ўтмоқда.***

***Хабар қилинганидек, Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ҳотамжон Кетмонов Тошкент шаҳри сайловчилари билан учрашди.***





## ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИДАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОД ҲОТАМЖОН КЕТМОНОВНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲРИ САЙЛОВЧИЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, азиз юртдошлар!

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон тарихий демократик тараққиёт йўлини босиб ўтди. Бу давр жамият ҳаётида, халқимиз турмуш фаровонлигини таъминлашда оламшумул ўзгаришлар даври бўлди. Мустақил Ўзбекистонда демократик давлат қуриш, очиқ фуқаролик жамиятининг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти асосларини яратиш борасидаги миқёси жиҳатидан тенги бўлмаган ишлар ҳам айнан шу йилларда амалга оширилди.

Қонунларга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар натижасида сиёсий партияларнинг давлат ҳокимиятини шакллантиришдаги ўрни янада мустаҳкамланди, жамият ҳаётига таъсир кучи сезиларли даражада ошди.

Шунга мувофиқ равишда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалалари юзасидан сиёсий партияларнинг нуқтаи назари, позициялари мустаҳкамланмоқда, уларнинг дастурларида жамият ҳаётининг муҳим масалалари акс этмоқда. Сиёсий партиялар вакиллик органларида кўпроқ ўринларни қўлга киритиш орқали ўз ғояларини амалга ошириш, ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг стратегик вазифаларини ҳал этиш бўйича позициясини ҳимоя қилиш имконига эга бўлиб бормоқда.

**Ҳурматли учрашув иштирокчилари!**

Маълумки, сайлов халқнинг хоҳиш-иродасини рўёбга чиқаришнинг олий ифодаси, давлат ҳокимияти органларини демократик тарзда ташкил этишнинг асоси ҳисобланувчи улкан ижтимоий-сиёсий воқеадир.

Шунингдек, сайловларнинг асосий мақсади халқ ҳокимиятчилигини таъминлаш, аҳолининг сиёсий онгини ривожлантириш, фуқаролар томонидан ўз бошқарувларини танлаб олиш учун кенг имкониятлар яратиш орқали жамият келажагини белгилаш, демократик ҳуқуқий давлат қуриш жараёнини жадаллаштиришдан иборат.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда фуқаролар ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этиши учун жаҳонда умумэътироф этилган меъёрларга мувофиқ тарзда сайлов тизими шакллантирилди.

Эришилган энг муҳим амалий натижалар сифатида давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайловларнинг фақат кўппартиявийлик асосида ўтказилиши, мамлакат Президенти лавозимига, Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларнинг сиёсий партиялар томонидан, маҳаллий Кенгашлар депутатлигига номзодларнинг эса – сиёсий партияларнинг жойлардаги тегишли органлари томонидан кўрсатилиши тўғрисидаги принципиал қоида мустаҳкамланганлигини таъкидлаш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларига бўлиб ўтган сайловда халқимиз Ўзбекистон танлаган демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш, ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг барча соҳаларидаги ислоҳотларни янада чуқурлаштириш йўлини қўллаб-қувватлаётганини намоён этди.

**Азиз юртдошлар!**

Барчангизга аёнки, мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамиятини барпо этишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган яна бир муҳим сиёсий имтиҳон — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига жиддий тайёргарлик кўрилмоқда.

2014 йилнинг 26 декабрь куни Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича сайлов кампанияси бошланганини маълум қилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови 2015 йил 29 март кунига белгиланди.

Мазкур сайлов мамлакатимиз сиёсий ҳаётидаги муҳим воқеа ҳисобланиши билан аҳамиятлидир. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон ХДП ўзининг IX қурултойида мазкур сиёсий жараёнда партиянинг муносиб иштирокини таъминлаш, ижтимоий адолат ва ижтимоий ҳимоя каби халқ демократияси тамойилларига амал қилган ҳолда, Ўзбекистон танлаган йўлни қар томонлама қўллаб-қувватлаш ва амалга оширилаётган сиёсатни изчиллик билан давом эттириш, сайловчиларнинг онгу тафаккурини ошириш, фуқароларнинг юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларга, ўзгариш ва янгиланишларга дахлдорлик ҳиссини кучайтириш, умуман олганда сайловга пухта тайёргарлик кўриш масаласида муҳим вазифаларни белгилаб олди.

Шундан келиб чиқиб, партия ташкилотлари ишини мувофиқлаштириш бўйича марказда ҳамда жойларда штабларимиз фаолияти йўлга қўйилди.

Номзодга сайлов кампаниясини ўтказишда ёрдам бериш, тарғибот ишларини олиб бориш мақсадида 15 нафаргача ишончли вакилларни шакллантирдик.

Жойларда тарғиботчи ва ташвиқотчиларимиз томонидан электоратимиз вакилларида фаол фуқаролик позициясини мустаҳкамлаш, сайлов ҳуқуқини тушуниб, ундан эркин ва масъулият билан фойдаланишга интилишни кучайтиришга қаратилган тарғибот тадбирлари ташкил этилмоқда.

Бу жараёнда электоратимизнинг ёш вакиллари, айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида биринчи марта овоз берадиган ёшлар, шунингдек, хотин-қизлар, хусусан, оилада фарзанд тарбияси билан банд бўлган аёлларнинг электорал фаоллигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу масалаларда Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг «Истиқбол» ёшлар ва «Фаол аёллар» қанотлари етакчилари фаоллик билан иш олиб бормоқдалар.

**Ҳурматли йиғилиш иштирокчилари!**

Партиямиз, энг аввало, мамлакатимизда давлат ва жамиятнинг манзилли ижтимоий муҳофаза ҳамда ижтимоий қўллаб-қувватлашига эҳтиёжманд аҳоли қатламлари манфаатларини ҳимоя қилиш, таълим ва соғлиқни сақлаш, суд-ҳуқуқ, уй-жой ва коммунал хизматлар кўрсатиш тизимини янада ислоҳ этиш, ички ва ташқи сиёсатни изчиллик билан давом эттиришга эътибор қаратади.

Сайловолди дастури Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг устувор ғояларига асосланади. Унинг устуворликлари жамиятнинг барча аъзолари учун ҳар томонлама ривожланиш ва ишончли ижтимоий кафолатларни таъминлашга интилиш билан белгиланади.

Биз учун асосий устуворлик кўпчилик аҳоли, аваламбор, давлат ва жамият томонидан қўллаб-қувватлашга эҳтиёжманд бўлган қатламлар манфаатлари йўлида меҳнатга лаёқатли аҳолининг муносиб ҳақ тўланадиган иш ўринларига эга бўлишга интилишини қўллаб-қувватловчи, уларнинг шахсий ташаббускорлиги ва ишбилармонлигини рағбатлантирувчи кучли ижтимоий сиёсатни юритиш; мустақил ҳаётга кириб келаётган ёшларга, уларнинг ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, касб танлаш, таълим олиш ва ўқув муассасаларини битиргач, албатта, биринчи иш ўринларига эга бўлишлари учун адолатли, тенг ва ижтимоий жиҳатдан мақбул шарт-шароитларни яратиш; шунингдек, пенсионерлар, меҳнатга лаёқатсиз ногиронлар, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ва меҳнатга лаёқатсиз аҳолининг бошқа ижтимоий гуруҳлари ҳаётий эҳтиёжларини тўлиқ қондиришни кафолатловчи пенсия таъминоти ва ижтимоий нафақаларнинг самарали тизимини шакллантириш ҳисобланади.

Мазкур масалалар жамиятнинг барча аъзолари учун ҳар томонлама ривожланиш ва ишончли ижтимоий кафолатларни таъминлашга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Бу борада қуйидаги йўналишларга устуворлик берилиши зарур, деб ҳисоблаймиз.

Биринчидан, **аҳоли бандлигини таъминлаш тизимини доимий равишда такомиллаштириб бориш лозим.**

Бунда бандлик соҳасидаги сиёсатни янада такомиллаштиришнинг устувор йўналиши ҳисобланмиш муносиб иш ҳақи тўланадиган барқарор иш ўринларини тақдим этаётган корхоналарда аҳоли бандлигини таъминлашга қаратилган саъй-ҳаракатларини янада фаоллаштириш ниҳоятда муҳимдир. Улар қаторига, аваламбор, ишлаб чиқариш соҳасининг юқори технологик тармоқ корхоналари, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида фаолият юритаётган корхоналар ва ташкилотлар киради. Ушбу соҳаларга мамлакатда мавжуд бўлган бўш меҳнат ресурсларини фаол жалб қилиш, партия фикрича, иқтисодий ўсишнинг муҳим омили ҳисобланади.

Шунингдек, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларига имтиёзли микрокредитларни тақдим этиш, ўз бизнесини очишда белгиланган йиғимлардан озод қилиш орқали уларнинг бандлигини таъминлаш ҳамда якка тартибдаги меҳнат ва тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш учун мақбул шароитлар яратиш лозим деб ҳисоблаймиз.

Истиқболли ишлаб чиқариш соҳаларини ривожлантириш бўйича инвестиция дастурларини ишлаб чиқишда ўрта махсус касб-ҳунар ва олий маълумотли мутахассисларни тайёрлаш дастурлари ҳамда ҳудудий бандлик дастурлари билан ўзаро боғлиқ комплекс ёндашувни таъминлаш зарур.

Бу борада тегишли мутахассисларга бўлган эҳтиёждан келиб чиқиб, кадрлар тайёрлаш учун олий ўқув юртларида таълим контрактларини тўлаётган корхона ва ташкилотларни рағбатлантириш самарадорлигини ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур жараёнда муносиб иш ҳақи ва меҳнат шароитига эга бўлган қўшимча барқарор иш ўринлари яратаётган тадбиркорлик субъектларининг манфаатдорлигини оширишга хизмат қилувчи солиққа тортиш тизимини мақбуллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирларни амалга ошириш керак.

Бундан ташқари, олий ва ўрта махсус касб-ҳунар маълумотига эга мутахассисларни тайёрлаш йўналишларини аниқлашда корхоналар ва ташкилотларнинг кадрларга бўлган жорий ва истиқболдаги эҳтиёжлари ҳисобини юритиш самарадорлигини ошириш масаласини муҳим деб ҳисоблаймиз.

Иккинчидан, **кам таъминланган оилаларнинг манзилли ижтимоий ҳимояси самарадорлигини янада ошириш зарур.**

Бунинг учун ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини аҳоли ўртасида боқимандалик кайфиятини бартараф этишга қаратиш лозим. Бунда уларнинг ташаббускорлигини рағбатлантириш, меҳнат ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ҳамда асосан, кам таъминланган оилалар, қариялар ва болалар учун нафақалар ва моддий ёрдамнинг тақсимланишини таъминлаш муҳим ҳисобланади.

Ўз навбатида, адолат, меҳр-оқибат, очиқлик ва ошкоралик тамойилларини кенг татбиқ этган ҳолда, маҳалла институтининг аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш маркази сифатидаги ўрни ва аҳамиятини доимий равишда ошириб бориш ушбу йўналишдаги ишларнинг самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади.

Шунингдек, ўз бизнесини ташкил этиш ва турмуш фаровонлигини мустақил таъминлашга интилувчи меҳнатга лаёқатли фуқароларга имтиёзли кредитлар ва мақсадли фоизсиз ссудаларни ажратишни янада ривожлантиришни таъминлаш, кам таъминланган оилаларга ҳар ойда тўланадиган моддий ёрдам ва ижтимоий нафақаларни, тегишли даврда тўланадиган маблағлар суммаси миқдорида, ўз ишини ташкил этиш учун мақсадли фойдаланиш шарти билан бир марталик тўловга алмаштириш механизмини ишлаб чиқиш зарур.

Бундан ташқари, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган энг зарур товарлар ва хизматлар нархини шакллантириш устидан давлат назорати самарадорлигини янада ошириш, уларнинг нархи ва тарифлари ўсиши инфляция даражасидан юқори бўлмаслигига эришиш лозим.

Аҳолини шинам ва ҳар томонлама қулай уй-жой билан таъминлаш муҳим масаладир. Шундан келиб чиққан ҳолда, уй-жойларнинг ижтимоий мақбуллигини таъминлаш мақсадида, давлат мулкини хусусийлаштиришдан олинадиган маблағларнинг ижтимоий турар жой фондини шакллантиришга йўналтириладиган қисмидан самарали фойдаланиш механизмларини янада такомиллаштириш таъминлаш зарур деб ҳисоблаймиз.

Тармоқ муҳандислик инфратузилмаси билан боғлиқ бўлмаган коммунал хизматлар кўрсатишнинг арзон шаклларини ривожлантириш орқали аҳолига кўрсатиладиган хизматлар нархини мақбуллаштириш, табиий монополия субъектлари томонидан аҳолига тақдим этиладиган коммунал хизматлар — электр ва иссиқлик энергияси, газ таъминоти, ичимлик суви билан таъминлашга доир нархлар ва тарифларнинг давлат томонидан тартибга солиниши механизмларини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Учинчидан, **иқтисодий сиёсатдаги асосий устуворлигимиз,** бу давлатимизнинг молиявий ва иқтисодий қудратини оширишни кучли ижтимоий сиёсатга уйғунлаштириш, шу орқали уни аҳолининг, аваламбор, қўллаб-қувватлашга эҳтиёжманд қатламлар турмуш даражасини янада ошириш механизмига йўналтиришдир.

Шу мақсадда иқтисодий соҳада қуйидагилар таклиф этилмоқда:

— хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ишлаб чиқарилаётган товарлар ва хизматлар сифатини ошириш, таннархини пасайтириш, шунингдек, уларнинг экспорт имкониятларини кенгайтириш, аҳолининг харид қобилиятини оширишга хизмат қилувчи рақобат муҳитини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратиш;

— тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларини жалб қилиш ва малакали мутахассислар учун иш ўринларини ташкил этиш орқали замонавий техника ва технологияларга асосланган ишлаб чиқаришни ташкил этишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;

— тижорат банкларининг инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришдаги иштирокини янада кенгайтириш, хўжалик юритувчи субъектларни кредитлаш тизимини соддалаштириш, макроиқтисодий вазиятдан келиб чиқиб, минимал даражада фоиз ставкаларини белгилаш, муаммоли қарзлар юзага келишига йўл қўймаслик ва банк хизматлари сифатини яхшилаш орқали уларнинг инвестицион фаоллигини кучайтириш;

— бюджет маблағлари, айниқса, ижтимоий соҳага йўналтириладиган маблағларнинг мақсадли равишда сарфланиши устидан қатъий назоратни кучайтириш, турли мансулот етказувчиларга ўзаро эркин рақобатлашишга имкон берадиган очиқ ва ошкора электрон савдолар имкониятларини кенгайтириш, шу орқали давлат харидларини амалга ошириш тизимини такомиллаштириш лозим.

Истиқболли корхоналар ва ишлаб чиқариш комплексларининг иқтисодий ривожланиши учун бўш меҳнат ресурсларини жалб қилиш иқтисодий ўсишнинг барқарор юқори суръатларини таъминлашнинг қўшимча омилига айланишига эришиш муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун қуйидагилар таклиф этилади:

— маҳаллий хомашё ва материалларни қайта ишлаш корхоналарининг улар томонидан ички ва ташқи бозорда рақобатбардош, юқори қўшимча қийматга эга истеъмол товарларининг ишлаб чиқарилишини иқтисодий ва молиявий рағбатлантириш ва имтиёзли кредитлаш самарадорлигини ошириш;

— ўз ишлаб чиқариши ҳисобига ички бозорни мақбул тарзда тўлдиришга эришишга қаратилган товарлар ва хизматларни ишлаб чиқаришни ривожлантириш ҳудудий дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун ҳудудий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари масъулиятини ошириш бўйича чора-тадбирлар кўриш;

— мамлакатда ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича қишлоқ жойларида оилавий тадбиркорлик ва касаначиликни ривожлантиришни рағбатлантиришни кучайтириш.

Тўртинчидан, **аҳолига юқори сифатли ва мақбул тиббий ёрдамдан кенг фойдаланиш имкониятини таъминлаш ҳам диққатимиз марказидадир.**

Мазкур соҳада бирламчи тиббий ёрдамдан, айниқса, олис қишлоқ аҳоли пунктларининг аҳолиси учун қулай ва тез фойдаланиш имкониятини таъминловчи қишлоқ врачлик пунктлари тармоғини кенгайтириш бўйича чоралар кўриш лозим.

Шунингдек, имтиёзли ва бепул асосда малакали тиббий-санитария ёрдами кўрсатилишини тартибга солувчи тегишли қонунчилик ҳужжатларининг сўзсиз иҳроси устидан тизимли назорат самарадорлигини ошириш ҳамда фармацевтика корхоналари ва дорихона муассасалари фаолияти, дори-дармон воситалари нархи устидан давлат назоратини кучайтириш, дори воситалари рекламасини чеклаш зарур.

Бешинчидан, **демократик ҳуқуқий давлат ва очиқ фуқаролик жамиятини шакллантириш асосий вазифадир.**

Ушбу мақсадда:

— қабул қилинаётган қонунлар ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари, давлат бошқаруви органлари фаолияти натижаларини ошкора ва конструктив муҳокама этишда фуқаролик жамияти институтлари иштироки амалиётини изчил ривожлантиришни таъминлаш;

— доимий электорат манфаатларига алоқадор бўлган жойлардаги долзарб иқтисодий ва ижтимоий вазифаларнинг ҳал этилишига таъсир кўрсатиш масалаларида сиёсий партиялар ва уларнинг депутатлик бирлашмалари ҳуқуқ ва ваколатларини янада ошириш бўйича чоралар кўриш;

— замонавий ахборот-коммуникация технологиялари асосида аҳолига интерфаол давлат хизматлари ягона порталидан эркин фойдаланишни тақдим этувчи пунктлар тармоғини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар кўриш;

— ижтимоий шериклик институтларини янада изчил ривожлантиришни таъминлаш;

— фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг суд механизмлари мақбуллигини кенгайтириш ва мазкур масалаларда суд назоратини кучайтириш ҳисобига суд қарорлари ижроси сифатини ошириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш масалалари таклиф этилмоқда.

Олтинчидан, **ташқи сиёсат масалаларида қуйидагилар таклиф қилинмоқда:**

— Ўзбекистоннинг яқин қўшниларига нисбатан очиқ ва прагматик сиёсатни юритиш, улар билан савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳаларда ўзаро манфаатли ва фойдали ҳамкорликни ривожлантириш;

— минтақадаги экологик вазиятни яхшилаш, Марказий Осиё трансчегаравий дарёлари сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш масалалари бўйича мамлакатнинг халқаро ташаббусларини фаол илгари суришни таъминлаш;

— ташқи сиёсат фаолиятининг муҳим вазифаси — Ўзбекистоннинг минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш вазифаларини ҳал этишдаги фаол ва ташаббускор иштирокини таъминлаш ҳисобланади. Ушбу мақсадларда Марказий Осиё мамлакатлари, дунёнинг бошқа давлатлари, нуфузли халқаро ташкилотлар билан терроризм, экстремизм, наркотрафик, одам савдоси ва бошқа таҳдидларга қарши кураш масалалари бўйича ҳамкорлик муносабатларини ривожлантириш ва кучайтириш зарур.

Қайд этилган устуворликларга эришиш мамлакатни ҳар томонлама ижтимоий ривожлантириш, халқ фаровонлигини изчил юксалтириш, демократик ўзгаришларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини тараққий эттиришга хизмат қилади.

**Ҳурматли йиғилиш қатнашчилари!**

Халқимизнинг хоҳиш-иродаси, барчамизнинг энг олий мақсадимиз, бу — мамлакатимиз мустақиллигини асраш ва мустаҳкамлаш, Ўзбекистон тараққиётининг асосий стратегик мақсади ҳисобланган замонавий ривожланган демократик давлатлар қаторига кириш, юртимиздаги тинчлик ва ижтимоий барқарорликни сақлаш, фуқаролик ва миллатлараро ҳамжиҳатликни янада кучайтиришдир.

Бўлажак сайловда фуқароларимизнинг мана шундай эзгу мақсадларга нисбатан дахлдорлик туйғусини ҳис қилган ҳолда ўз хоҳиш-иродасини билдиришига ишонамиз.

Эътиборингиз учун раҳмат!

# ЮКСАК ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ САРИ

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат органларининг ҳуқуқий тарғибот ва маърифат соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш тизими самарадорлиги масалаларига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди, дея хабар беради ЎзА.***

Тадбирда мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини таъминлашнинг самарали механизми шакллантирилгани таъкидланди. Фуқароларнинг бу имкониятлардан самарали фойдаланишини йўлга қўйиш, уларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга қаратилган изчил ишлар натижасида юртдошларимизнинг нафақат сиёсий-ҳуқуқий маданияти, балки фуқаролик позицияси ҳам тобора юксалиб бормоқда.

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга қаратилган миллий қонунчилик асослари яратилгани, унинг мазмун-моҳиятини аҳолининг барча қатламларига етказишда давлат ва жамоат ташкилотларининг узвий фаолияти йўлга қўйилгани бунда муҳим аҳамият касб этаётир.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузурида Ҳуқуқий тарғибот ва маърифат бўйича давлат органлари ишларини мувофиқлаштириш бўйича идоралараро кенгаш тузилгани шу мақсадга хизмат қилмоқда. Кенгаш томонидан ўтган даврда ҳуқуқий тарғибот ишларини амалга оширишга оид комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда.

Ёш авлоднинг ҳуқуқий билими ва маданиятини юксалтиришда ҳуқуқий адабиётлар муҳим аҳамиятга эга. Ўтган давр мобайнида ушбу йўналишда 342 минг нусхадан ортиқ дарслик, қўлланма ва оммабоп юридик адабиётлар нашр этилди. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ва жамоат бирлашмалари, таълим муассасалари томонидан кўплаб ҳуқуқий тарғибот тадбирлари ўтказилди. Мазкур тадбирларнинг 57 мингга яқини адлия органлари томонидан ташкил этилган.

Ҳуқуқий ахборотни интернет тармоғи орқали етказиб бериш амалиёти янада ривожлантирилди. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотларининг миллий базаси – «LexUZ» орқали аҳолини ҳуқуқий ахборот билан таъминлаш кўлами кенгайтирилди. Ўзбек ва рус тилларидаги 33 мингга яқин ҳужжат жамланган ушбу тизимдан юридик ва жисмоний шахслар бепул фойдаланмоқда. Ҳуқуқ соҳасига ихтисослашган оммавий ахборот воситалари ҳам аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Тадбирда айни пайтда сайлов қонунчилигини кенг тарғиб этиш, кекса авлод вакилларининг ижтимоий муҳофазасига оид тадбирлар, аҳоли, хусусан, ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини мустаҳкамлашга қаратилган тарғибот ишлари амалга оширилаётгани айтиб ўтилди. Журналистларни қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб қайтарилди.

***Тинчлик ва осойишталик, ўзаро меҳр-оқибат қарор топган жойда турмуш фаровонлашиб бораверади. Мамлакатимизда амалга оширилган изчил ислоҳотлар туфайли барча соҳаларда эришаётган муваффақиятларимиз, мамлакатимизнинг халқаро майдонда обрў-эътибори юксалиб бораётганининг муҳим омили ҳам тотувлик ва ҳамжиҳатликдадир.***



**Кўрик-танлов**

# НАМУНАЛИ МИЛИЦИЯ ТАЯНЧ ПУНКТЛАРИ

Халқ билан яқдил, ҳамнафас иш юритаётган маҳалла фаоллари, профилактика инспекторлари фаолиятининг замон талабидан келиб чиқиб такомиллашиб бораётгани шу мақсадга хизмат қилаётир. Анъанавий равишда ўтказиб келинаётган «Намунали милиция таянч пункти» кўрик-танлови бунинг амалий ифодаси бўлиб, мазкур тадбир орқали тизимдаги энг илғор тажриба ва ютуқлар оммалаштирилаётир.

«Туркистон» саройида мазкур танловнинг 2014 йил бўйича мамлакат босқичи бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири, генерал-лейтенант А.Аҳмадбоев ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида халқимизнинг тинч ва фаровон ҳаёт кечириши учун барча шарт-шароит яратилганини таъкидлади. Айниқса, осойишталиқни таъминлаш борасида амалга оширилган ислоҳотлар натижасида жамиятнинг энг муҳим бўғини бўлган маҳаллаларда ўзаро меҳр-оқибат муҳити қарор топиб, аҳоли тадбиркорлик, бунёдкорлик ишлари билан машғул бўлса, ёшлар ҳунар эгаллаш, спорт билан шуғулланиш, илм ўрганишда юксак чўққиларни забт этмоқда.

Буларнинг бари жамиятда маҳалла институтининг роли ва мавқеи юксалаётгани, ички ишлар идоралари ходимларининг мазкур тузилма билан ўзаро ҳамкорлиги мустаҳкамлангани натижасидир. 2014 йил 14 майда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуни ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш соҳасидаги фаолиятни янада такомиллаштириш ва мустаҳкамлашда ҳуқуқий асос яратди.

Айни пайтда профилактика инспектори, маҳалла оқсоқоли, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, хотин-қизлар кенгаши, яраштириш комиссияси ва посбонларнинг бир жойда, замонавий жиҳозлар ва зарур алоқа воситалари билан таъминланган бинолардa фаолият юритаётгани боис учраётган муаммолар жойида, тезкорлик билан ҳал этилмоқда. Натижада 2014 йилда икки мингдан зиёд маҳаллада бирорта ҳам жиноят содир этилмади.

Мамлакатимиздаги мавжуд 3 минг 758 милиция таянч пунктининг аксарияти ҳузурида факультатив тўгараклар, кичик бизнес шохобчалари, вояга етмаганларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш учун жиҳозланган спорт майдончалари фаолият кўрсатаётгани бу борада алоҳида аҳамият касб этмоқда.

«The World Justice Project» мустақил халқаро ташкилоти томонидан жаҳон миқёсида қонун устуворлигини таъминлаш бўйича ўтган йилда эълон қилинган Индексда Ўзбекистон ҳуқуқ-тартибот ва хавфсизликни таъминлаш бўйича дунёда учинчи ўринни эгаллагани ҳам олиб борилаётган изчил профилактик тадбирларнинг самарасидир.

Мазкур кўрик-танловнинг мамлакат босқичида Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоят босқичларида ғолиб бўлган 14 милиция таянч пункти иштирок этди.

Танлов якунига кўра, Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек тумани Алишер Навоий номидаги маҳаллада жойлашган 86-милиция таянч пункти, Наманган вилояти Наманган туманидаги Қурама маҳалласида жойлашган 21-милиция таянч пункти, Сурхондарё вилояти Термиз туманидаги Солиобод маҳалласида жойлашган 23-милиция таянч пункти, Жиззах вилояти Пахтакор туманидаги Буюк Ипак йўли маҳалласида жойлашган 116-милиция таянч пункти биринчи ўринга лойиқ топилди. Голибларга «Matiz» автомобиллари топширилди.

– Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан профилактика хизматининг ташкил этилгани ва тобора такомиллаштирилаётгани аҳоли тинчлиги ва фаровонлигига хизмат қилмоқда, – дейди ЎзА мухбирига Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек тумани Алишер Навоий номидаги маҳаллада жойлашган 86-милиция таянч пункти профилактика инспектори, катта лейтенант Жонибек Шарипов. – Соҳа инфратузилмаси замон талаблари даражасида ривожлантирилмоқда. Милиция таянч пункти ҳузурида турли тадбирлар уюштирилиши билан бирга, кичик бизнес шохобчалари, маиший хизмат кўрсатиш тизими ва спорт секциялари фаолияти йўлга қўйилгани муваффақиятлар омили бўлмоқда. Ҳамжиҳатликда фаолият юритаётганимиз туфайли маҳалламизда жиноятчилик барҳам топиб, оилалар осудалиги таъминланмоқда. Аҳоли, айниқса, ёшларнинг маънавий-ахлоқий тарбияси билан боғлиқ масалаларни ечиш, ижтимоий соҳанинг самарали фаолият юритишини таъминлаш, жойларда жамоат тартиби ва хавфсизлигини сақлаш билан боғлиқ масалаларда ҳам ўзаро ҳамкорлик ўзининг самараларини бераётир.

Танловда иккинчи ва учинчи ўринлар, бошқа бир қатор номинациялар бўйича ҳам ғолиблар аниқланиб, улар муносиб тақдирланди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Икромов сўзга чиқди.

**Норгул АБДУРАИМОВА**
**Темур Мамадаминов олган сурат**

**Тадбирлар**

# МАЪНАВИЙ МЕРОСЛАРНИНГ ДАВОМИЙЛИГИ

***Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида пойтахтимиздаги ўқув юртлари ўқувчилари, талабалари, Миллий кутубхона фойдаланувчилари, жамоат ташкилотчилари, миллий маданий марказлар вакиллари иштирокида Халқаро она тили кунига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.***

Унда ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари К.Пиккат хоним, Бангладеш Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси М.Моннан, Ўзбекистон Байналмилал маданият маркази директори Н.Муҳаммадиев, Миллий кутубхона директори А.Хаджаев, Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир, шоир ва ношир Шукур Қурбон сўзга чиқдилар.

Тадбирнинг маъруза ва давра суҳбатларида Халқаро она тили кунининг нишонланиш сабаблари, сана билан боғлиқ тарихий воқеалар, уларнинг моҳияти, она тилига эътибор қаратилишининг жамият тараққиётидаги аҳамияти, маданий меросларнинг давомийлиги ва шарафланиш имкониятлари ҳақида атрофлича фикр юритилди. Она тилига бағишланган шеърлар ўқилди.

Корейс сўзлашув клуби вакилларининг миллий корейс қўшиғи ижроси, «Озарбойжон гизлари» ансамбли ижросидаги жозибали қўшиқ ва дилтортар рақслар ҳамда бошқа чиқишлар тадбирга файз бағишлади.

**Ҳасан АБДУНАЗАРОВ**

***Орамизда шундай инсонлар борки, улар кўпчилик қатори пул ишлаб топишдан кўра, бойиб кетишнинг осон йўлини қидириб, кетини ўйламай жиноятга қўл урадилар. Мақоламиз «қаҳрамони» ҳам мана шундай хом хаёллар билан умрини ўтказаётган, қилмишларидан тўғри хулоса чиқариш ўрнига, қайта-қайта жиноят содир этиб, хижолат чекмай келаётганлардан бири. Азамат Раҳимовнинг (мақоладаги барча исм-фамилиялар ўзгартирилган) навбатдаги жинояти уни яна «қора курси»га етаклади.***

# ҚИЛМИШ-ҚИДИРМИШ

— Кийим уйда. Азаматни топсанг, дадамнинг ёнига бориб, уни олиб беради.

Адҳам шундай дея телефонни ўчирар экан, хотинига юзланди: — Тавба, ўзи пойтахтда бўла туриб, мендан Қорбобо кийимини сўраса-я? Одамларга ҳам ҳайронсан...

— Ким экан?

— Муҳсин телефон қилди. Шу пайтда Қорбобо кийими керак бўлиб қолганмиш. Азамат уйимизни биладику, ўшанга учрашсанг, дадамдан олиб беради, дедим.

Шу билан гап тугаб, уйларидан анча олисга ишлаш учун келган эр-хотин қўлларидан келганча янги йил дастурхонини тузаш ҳаракатига тушишди...

Янги йил кириб келганининг иккинчи куни айланиб юриб, Қўйлиқ бозорига бориб қолган Азамат таниши «қоровул»ни кўриб, хурсанд бўлиб кетди. Очиғи, унинг исмини ҳам билмасди. Ҳамма «қоровул», деб чақиргани учун у ҳам шундай деб аташни маъқул кўрди. Бир марта бир йил, кейин эса уч йил муддат «ўтириб», у ерда турли лақабларни эшитавергани боис бўлса керак, бунинг унга қизиғи ҳам йўқ эди.

Хуллас, икковлон ошхонага кириб, учрашиб қолганликларини «ювишди». Гап орасида Азамат куни кеча ҳамқишлоғининг уйига қорбобо кийимини олиш учун борганини айтиб бераркан, тўсатдан миясига бир фикр келди.

— Менга қара, — стаканларга ароқ қуяркан, гап бошлади Азамат. — Энди бир иш қилсак. Ўша ҳамқишлоғим ишлаш учун хотини билан четга кетган. Бир-икки ойдан кейин келишса керак. Мен борган уй ҳам ўзиники эмас, ижарада яшашар эди. Ҳозир у ерда қайнотасининг бир ўзи. Агар рози бўлсанг, уникига бирровга кириб чиқардик.

— У ерда нима қиламиз?

— Нима қилардик, қайнотани зиёрат қилишга эмас, албатта. Ўзинг ўйлаб кўр, эр-хотиннинг ишлагани кетганига анча бўлди, демак, шу вақт ичида мўмайгина пул жўнатишган бўлишса керак. Бундан ташқари, қўлга илинадиган нарсалар ҳам топилиб қолар...

— Ҳа, гап буёқда дегин, — ҳиринглади «қоровул». — Мен тайёрман.

— Бўлмаса, шунинг учун олдик...

Адҳамнинг қайнотаси уларни яхши кутиб олди. Олдиларига дастурхон ёзиб, ул-бул қўйди, чой дамлади. Бирга овқатланишди. Аввалига сипо бўлиб ўтирган меҳмонлар қулай вақт келишини кутишди-да, бир маҳал йўқ жойдан жанжал чиқаришди. Зумда ур-тўполон бошланди. Икковлашиб, мезбонни тепкилашар экан, Азамат ерда ётган қўйлак билан уни бўғишга тушди. Нафаси етмай, йиқилганда эса қўлига илинган пичоқни ишга солди... Мезбон тинчиб қолганидан кейин «қоровул»га унинг қўл-оёғини боғлашни буюрди. Кейин уйни тинтишга киришишди.

Кўп ўтмай Азаматнинг таъбири билан айтганда «бирров»га кирган босқинчилар 200 АҚШ доллари, 350 минг сўм пул ҳамда 1 миллион 398 минг 500 сўмлик мол-мулкнинг янги эгасига айланиб, уйни тарк этишди.

Орадан икки ҳафтача вақт ўтди ҳамки, на Адҳамнинг ва на хотинининг телефонига жавоб бўлди. Қайнотасидан хавотирга тушган куёв пойтахтдаги танишларига қўнғироқ қилиб, уйдан хабар олишни илтимос қилди. Афсуски, унинг хавотири ўринли бўлиб чиқди. Танишлари уйдан қайнотасининг жасади топилгани ҳақида хабар қилишди-ю, эр-хотин йўлга отланишди. Бу пайтда ушбу ҳолат бўйича жиноят иши қўзғатилиб, тергов-тезкор ишлари бошлаб юборилган эди. Аввало, жиноятни зудлик билан фош этиш, тўлиқ тергов ҳаракатлари олиб борилишини таъминлаш мақсадида бир қатор тахминлар асосида тергов режаси ишлаб чиқилди. Шунингдек, марҳумни таниган-билганлар бирма-бир сўроқ қилинди. Буни қарангки, Адҳам уйдан ўғирлаб кетилган нарсаларни топиш учун танишларидан суриштириб юрганида калаванинг учи топилди-қолди. Улардан бири яқинда Азамат мусиқа марказини сотиш учун олиб келгани ҳақида айтиб қолди-ю, ушбу хабар асосида ишлашга киришилди. Кўп ўтмай ушбу тахмин исботланди. Ўғирланган нарсалар бир новвойхонага беркитиб қўйилган экан.

Арзимаган пул билан мол-мулкни деб бир инсоннинг умрига зомин бўлган Азамат Раҳимовнинг кирдикорлари жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судида кўриб чиқилиб, унга Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 59-моддасига асосан тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан ўташ учун ўзилкесил 18 (ўн саккиз) йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

Ҳозирда «Қоровул»ни топишга қаратилган тезкор излов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Жиноят очилди, жиноятчи эса қилмишига яраша жазосини олди. Лекин шу вақтда инсонни бир оғриқли савол қийнайди. Айни навқирон ёшида бу йигит нега шундай тубанликка қўл урди. Меҳнат қиламан, ўқиб, изланаман, билим оламан деган юртимиз фуқаролари, айниқса ёшлар учун барча шарт-шароитлар яратилган. Афсуски, ундан вақтида ва ўринли фойдаланишга интилмайдиган кимсалар кам бўлсада учраб турибди. Демак биз тарбия беришда янада эътиборлироқ, огоҳроқ ва талабчанроқ бўлишимиз керак.

**Жамшид ВОСИЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бошқарма катта прокурори**

*Тошкент шаҳар ҳокимининг*
*ҚАРОРИ*

# ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ИНТЕРНЕТ ТАРМОҚЛАРИ ВА КОМПЬЮТЕР ОРҚАЛИ ХИЗМАТ КЎРСАТУВЧИ ХЎЖАЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 19 июндаги «Баркамол авлодни тарбиялашда оила институти ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг таълим муассасалари билан ўзаро ҳамкорлигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 175-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида, Тошкент шаҳрида жойлашган «Интернет-кафе» ва «Компьютер клублари»да (кейинги матнларда - муассасалар) миллий маънавиятимизга зид бўлган, жангарилик, шафқатсизлик ва ҳаёсизликни тарғиб этувчи лавҳалар, суратлар, сайтлар, фильмлар кўпайганлиги, бу вояга етмаган ёшлар онгига салбий таъсир кўрсатиб, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликнинг ошишига асосий сабаблардан бири бўлаётганлиги, баъзи муассасалар жойлашган бинолар санитария ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларига жавоб бермаслигини инобатга олиб,

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Тошкент шаҳар Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия, Халқ таълими бош бошқармаси, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси, Маънавият тарғибот маркази, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Тошкент шаҳар Кенгаши, Ички ишлар бош бошқармасининг пойтахт ҳудудидаги интернет тармоқлари ва компьютер хизматини кўрсатувчи хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини мувофиқлаштириш, муассасаларда белгиланган қонун талаблари асосида иш юритилишини таъминлаш, дарс ва тунги вақтларда вояга етмаган ёшлар бундай муассасаларда бўлмаслигини ташкил этиш бўйича таклифлари маъқулансин.

2. Белгилаб қўйилсинки,

мазкур муассасалар иш тартибига кўра соат 21:00 гача ишлайди;

мазкур муассасаларга вояга етмаган ўқувчиларнинг дарс ва кечки вақтда ота-онасидан бири ёки унинг ўрнини босувчи шахснинг кузатувисиз киритилиши таъқиқланади;

беҳаёлик, шафқатсизлик, диний экстремизм, миллатчилик, қимор шаклидаги ва маънавиятга зид бўлган мазмундаги диск, веб-сайт, фильм, ўйин, маълумот ва бошқа материаллар муассасанинг компьютер хотирасида бўлиши ҳамда интернет тармоғи орқали фойдаланилиши таъқиқланади;

интернет тармоқларидан фойдаланиш хоналари ва компьютер ўйингоҳларида беҳаёлик, зўравонлик ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи плакат, реклама ва воситалардан фойдаланиш мумкин эмас;

муассаса жойлашган ва фаолият юритаётган бино санитария, ёнғин хавфсизлиги, электр тармоқларига уланиш ва фойдаланиш қоидаларига тўлиқ жавоб бериши шарт.

3. Тошкент шаҳрида интернет тармоқлари ва компьютер орқали хизмат кўрсатувчи хўжалик юритувчи субъектларга:

мазкур қарор билан белгиланган талабларга қатъий риоя этиш;

10 кунлик муддатда интернет-кафелар ва компьютер клубларининг кириш эшигига муассасанинг иш тартиби, таълим муассасаси ўқувчиларининг дарс вақтларида муассасага кириши мумкин эмаслиги ҳамда муассасада беҳаёлик, зўравонлик ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни тайёрлаш, тарқатиш, реклама қилиш ва намойиш этганлик учун жавобгарлик белгиланганлиги ҳақидаги огоҳлантириш эълонларини жойлаштириш;

муассаса ходимлари томонидан таъқиқланган электрон материаллардан фойдаланишнинг олдини олиш юзасидан алоҳида назорат ўрнатилиб, бунда муассаса раҳбари (ходими) томонидан бошқарув компьютери (сервер)да фақат лицензияланган материаллардан фойдаланган ҳолда, шу жумладан, интернет тармоғидан фойдаланувчи томонидан таъқиқланган лавҳа, сурат, фильм ва сайтлардан фойдаланишнинг олдини олиш чорасини кўриш;

интернет тармокларидан фойдаланиш хоналари ва компьютер ўйингоҳларини ватанпарварлик ва ёшлар тарбиясига оид тарғибот воситалари ва стендлар билан жиҳозлаш;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибга асосан, компьютер залларида хавфсизликни таъминлаш мақсадида, видеокузатув камераларини ўрнатиш;

интернет ва компьютер хоналарига ёнғин хавфсизлиги бўйича эвакуация чизма (схема)сини жойлаштириш, масъул шахс тайинлаш ва унинг вазифасини тушунтириш;

муассасада аҳоли тинчлигини бузувчи шовқин ва тўполон ҳолатларининг олдини олиш лекин бундай вазият юз берганда, ички ишлар идораларини хабардор қилиш;

фойдаланувчи томонидан интернет тармоғи орқали бузғунчи, диний экстремистик ва террористик веб-сайтларига ташрифи, таъқиқланган материалларнинг тарқатилиши, қабул қилиниши ва бошқа шубҳали ҳаракатлар аниқланган тақдирда, далилий ашёларни сақлаб қолиш ҳамда зудлик билан ҳуқуқ-тартибот идораларини хабардор қилиш тавсия этилсин.

4. Туман ҳокимликлари, Давлат солиқ бошқармаси (Р.Мирзаев), Ички ишлар бош бошқармаси (М.Адилов), Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази (Ж.Мирзамухамедов), Тошкент Электр тармоқлари корхонаси (М.Икрамов)га:

туман ҳудудида жойлашган ва фаолият юритаётган муассасалар рўйхатини шакллантириш;

муассаса раҳбарлари билан махсус йиғилишлар ўтказиб, мазкур қарор талабларини тушунтириш;

ҳар бир муассасанинг ҳужжатлари белгиланган тартибда расмийлаштирилганлиги, муассаса жойлашган бино санитария ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларига жавоб бериши, терминал ва касса аппаратлари ўрнатилганлиги ва уларнинг соз ҳолатда эканлиги бўйича мунтазам равишда мониторинг ўтказиш ҳамда аниқланган камчиликларни бартараф этиш таклифини киритиб бориш;

мониторинглар даврида сурункали қоидабузарликка йўл қўйган муассасада текшириш ўтказишга рухсат олиш учун Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг Тошкент шаҳар ҳудудий комиссиясига тегишли ҳужжатлар тақдим этиш топширилсин.

5. Халқ таълими бош бошқармаси (И.Акбаров), Ўрта махсус касб-ҳунар таълими бош бошқармаси (Ф.Иноятов), Ички ишлар бош бошқармаси (М.Адилов), «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг шаҳар кенгаши (М.Зуфаров), «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг шаҳар бўлими (Ж.Инагамов), туман ҳокимликлари:

Таълим муассасалари ва маҳаллаларда, аҳолининг кенг қатлами ўртасида айниқса, вояга етмаганлар, ёшлар ҳамда ота-оналарга ушбу қарорнинг мазмун-моҳияти ва унда белгиланган талаблар тушунтирилсин.

6. Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияси (А.Юсупов):

Тегишли бошқарма ва ташкилотлар билан ҳамкорликда, ҳар ойда мазкур қарор ижроси юзасидан амалга оширилган ишлар ҳақидаги маълумотларни умумлаштириб, Тошкент шаҳар ҳокимлигига тақдим этиб борилсин.

7. Мазкур қарор «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарида расмий эълон қилинсин ҳамда www.toshkent.uz веб-сайтига жойлаштирилсин.

8. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан кучга киради.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Ш.Турдиқулов ва Ички ишлар бош бошқармаси бошлиғи М.Адилов зиммасига юклансин.

**Тошкент шаҳар ҳокими**
**Р.Усманов**

*2015 йил 18 февраль*

***Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академиясида Ўзбекистон халқ шоири Зулфия таваллудининг 100 йиллигига бағишлаб «Бахтим шул – ўзбекнинг Зулфиясиман» деб номланган бадиий-маърифий кеча бўлиб ўтди.***

**Зулфия таваллудининг 100 йиллигига**

# МАЪРИФИЙ КЕЧА

Унда таниқли ёзувчи ва шоирлар, адабиётшунос олимлар, академиянинг профессор-ўқитувчилари, тингловчилар иштирок этди.

Ўзбекистон халқ шоирлари О.Ҳожиева, У.Азим, адабиётшунос И.Ғафуров, шоира М.Улуғова ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида истиқлол йилларида илм-фан, таълим, маданият, адабиёт, санъат соҳаларига улкан эътибор қаратилиб, ёшларни атоқли адибларимизнинг бебаҳо меросидан баҳраманд этиш, уларни баркамол инсонлар этиб вояга етказишга устувор аҳамият қаратилаётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 31 октябрдаги «Ўзбекистон халқ шоири Зулфия таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги Қарори ёшлар маънавиятини юксалтириш, адабиётимиз дарғалари хотирасини эъзозлаш, асарларини ўқувчилар ўртасида тарғиб этиш йўлидаги кенг кўламли саъй-ҳаракатларнинг яққол намунасидир.

Зулфия ижоди халқимиз, айниқса, навқирон авлодни Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашга хизмат қилиши билан ғоят қадрлидир.

– Шоиранинг «Бахтим шул – ўзбекнинг Зулфиясиман» деган сатрлари бугунги кунда ҳар бир қизнинг қалбидан чуқур ўрин олган, ўзига хос ҳаёт шиорига айланган, – дейди академия тингловчиси Машҳура Саъдуллаева. – Боиси дунё ҳавас қилаётган жонажон Ўзбекистонимиз, меҳнатсевар халқимизнинг фарзанди бўлиш олий саодат, катта шараф экани ушбу мисраларда лўнда ифода этилган. Бугун ҳар қайси ёш Зулфиянинг Ватанга садоқати билан бирга камтарин ва самимийлигидан ибрат олишга интилмоқда.

Тадбирда Зулфия ҳаёти, ижоди, фаолияти билан боғлиқ ёрқин хотиралар ёдга олинди. Шоира шеърларидан намуналар ўзбек ва хорижий тилларда ўқилди, қўшиқлар ижро этилди.

**Н.УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**




# «АЛИФБЕ» БАЙРАМИ

***Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги 207-умумтаълим мактабида бошланғич синф ўқувчиларининг «Алифбе» байрами ўтказилди.***

Ушбу таълим маскани 560 нафар ўғилқизни ўз бағрига олган бўлиб, жорий ўқув йили бошида 90 нафар ўқувчи 1-синфда сабоқ олишни бошлаган. Уларга замонавий педагогик андозалар асосида таълим-тарбия берилмоқда.

Саводхонликнинг илк синови тарзида ўтган «Алифбе» байрамида ёшлар Ватанимизни мадҳ этувчи шеър, қўшиқлар, турли саҳна кўринишларини намойиш этдилар. Забаржад Муҳаммадиева, Шаҳриёр Комилжонов, Абдулазиз Абдувоҳидов каби истеъдодли ўқувчилар тадбирдаги фаоллиги билан кўпчилик эътиборига сазовор бўлди.

**СУРАТДА: Мирзо Улуғбек туманидаги 207-умумтаълим мактабида ўтказилган «Алифбе» байрамидан лавҳа.**
**ЎзА фотомухбири Темур Мамадаминов олган сурат**

# БОЛАЖОНЛАР БАҲС ЮРИТДИ

***Спорт — саломатлик гарови, деганларидек, юртимизда болаларни спортга ошно қилган ҳолда соғлом ва баркамол тарзда тарбиялаш ишлари мактабгача таълим муассасаларидан бошлаб йўлга қўйилган.***

Жумладан, Юнусобод туманидаги 417-мактабгача таълим муассасасида ҳам тарбияланувчиларнинг ҳар томонлама ривожланиши, спортга қизиқиш уйғотиш масалаларига муҳим эътибор қаратилади. Жумладан, тез-тез спорт мусобақалари, турли мавзулардаги кечалар уюштириб турилади.

Яқинда 417-мактабгача таълим муассасасида шахмат бўйича ташкил этилган мусобақалар ҳам қизиқарли ўтди. Унда ҳар бир қатнашчи ўз имкониятларидан тўлиқ фойдаланишга ҳаракат қилди. Энг яхши натижаларга эришиб, ғолиб ва совриндорлар сафидан ўрин олган Саидбек Акромов, Баҳром Толибжонов, Сайданур Ҳошимова, Одина Қувондиқова, Озодбек Ражабовлар фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

— Келгусида «Оила-мактабгача таълим муассасаси» ҳамкорлик йўналишидаги ишларни янада такомиллаштириш мақсадида Наврўз байрами арафасида ота-оналар билан биргаликда бугунги ғолиб болаларимиз ўртасида яна спорт мусобақаларини уюштиришни режалаштирганмиз, — дейди 417-мактабгача таълим муассасаси мудираси Севара Фазилова.

**Даврон НУРМАТОВ**

# ТАЛАБАЛАР ЎРТАСИДА СПОРТ БЕЛЛАШУВИ

***Тошкент Давлат техника университети спорт мажмуасида «Ёшлик кубоги» мини-футбол мусобақаси бўлиб ўтди. Беллашувда «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳудудида жойлашган олий ўқув юртларига қарашли талабалар турар жойларида истиқомат қилувчи талабалар иштирок этишди.***

Ушбу спорт беллашуви «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси Етакчилар Кенгаши ҳамда Тошкент Давлат техника университети билан ҳамкорликда ташкиллаштирилди.

Мусобақада Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент Давлат техника университети, Тошкент Тиббиёт академияси, Тошкент Давлат юридик университети ҳамда Тошкент Молия институтларидан 5 та жамоа ўртасида баҳслар бўлиб ўтди. Якунда Тошкент Давлат техника университети жамоаси фахрли 1-ўринни олиб ғолибликни қўлга киритган бўлса, 2-ўрин Ўзбекистон Миллий университети жамоасига насиб этди. Тошкент Тиббиёт академияси жамоаси шоҳсупанинг 3-поғонасидан жой олди. Мусобақа сўнгида фаол иштирок этган талабалар ҳамда ғолиб жамоалар ташкилотчилар томонидан қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

Бу каби спорт ўйинлари талабаларнинг бўш вақтини унумли ўтказиш ва ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришга хизмат қилади.

**Абдулазиз МУСАЕВ**

**2015 йил — Кексаларни эъзозлаш йили**

# ЗАМОНАВИЙ ТИББИЙ ЁРДАМДАН АҲОЛИ МАМНУН

***Хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан «Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин» шиори остида ташкил этилган саломатлик ҳафталиги мамлакатимизнинг барча ҳудудида уюшқоқлик билан ўтказилмоқда.***

Ушбу тадбирдан кўзланган мақсад Президентимиз Ислом Каримовнинг 2014 йил 13 октябрдаги «1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида белгиланган вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш, аҳолини замонавий тиббий ёрдам билан қамраб олиш, кексаларни эъзозлаш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашдир.

Ҳафталик доирасида пойтахтимиз ва вилоятлардаги етакчи тиббий марказлар мутахассислари, олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари, малакали шифокорлар жойларда бўлиб, аҳолини, жумладан, 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказди. Аҳоли орасида соғлом турмуш тарзи, оилаларда тиббий маданиятни юксалтириш, соғлом ва узоқ умр кўриш кўрсаткичларини ошириш бўйича кенг кўламли тарғибот ишларини амалга оширди.

Мирзо Улуғбек тумани тиббиёт бирлашмасидан маълум қилишларича, тиббий кўрикларни юқори савияда ташкил этиш учун ихтисослаштирилган марказлардан келган олимлар, туман тиббиёт бирлашмаси тор мутахассислари, умумий амалиёт врачлари ва ҳамширалардан иборат учта гуруҳ шакллантирилди. Бир ҳафта мобайнида мутахассислар уч ярим минг нафардан кўпроқ аҳолини, жумладан, етти юз нафардан зиёд уруш ва меҳнат фронти фахрийларини чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказди.

Туман кўп тармоқли марказий поликлиникаси УТТ, ЭКГ, рентген аппарати ва бошқа замонавий технологиялар билан жиҳозлангани, биокимё лабораториясида тиббий таҳлилларни ўтказиш бўйича барча шароит яратилгани тиббий кўрикни самарали ташкил этишда муҳим омил бўлди. Шифохонага боролмайдиган беморларнинг уйларида тиббий кўрик ташкил этилди. Ўтказилган тиббий кўрик хулосаларига кўра кексаларга хонадон, амбулатор, стационар шароитида, санатория ҳамда сиҳатгоҳларда саломатлигини яхшилаш бўйича тавсиялар берилди.

– Шифокорлар хонадонимга келиб соғлиғимни текширди, зарур муолажалар тавсия қилди, – дейди ЎзА мухбирига тумандаги Мунавваркори маҳалласида яшовчи тўқсон ёшли Рафиқ ота Ризоқулов. – Тажрибали олимлар ва шифокорлар олиб борган бундай текширувдан сўнг руҳим кўтарилди, ўзимни янада соғлом, бардам ҳис қилдим. Мамлакатимизда замонавий тиббий хизматдан фойдаланишимиз учун ана шундай шароитлар яратилаётгани, тиббий ёрдам кўрсатиш тизими ҳар томонлама такомиллаштирилаётгани узоқ умр кечиришимизга хизмат қилмоқда. Бундан бениҳоя миннатдормиз.

**Б.ХИДИРОВА**

**«101»**

# МАСЪУЛИЯТЛИ БЎЛАЙЛИК

***Фуқароларнинг ҳамда давлат мулкини асраб-авайлаш, турли тажовузлар ва офатлардан ҳимоя қилиш ҳар биримизнинг бурчимиздир. Айниқса, олов — «тилсиз ёв»нинг вайронакор кучи тўла жиловланган эмаслиги туфайли у билан жуда эҳтиёткорлик билан муомалада бўлишимиз лозим.***

Айни ёнғинлар сабабли ҳар йили дунё бўйлаб минглаб одамлар бошпанасиз қолади, кўпчилиги саломатлигидан айрилади, ҳаётдан кўз юмади. Ишлаб чиқариш корхоналари ва ташкилотлар биноларида содир бўладиган ёнғинлар эса кишиларнинг самарали меҳнат фаолиятига зарар етказиб, шу орқали иқтисодиётга ҳам салбий таъсир кўрсатади.

Ана шундай кўнгилсизликларга йўл қўймаслик учун ҳар биримиз ёнғиннинг олдини олиш учун фаол кураш олиб боришимиз зарур. Хусусан, ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари оловни жиловлаш юзасидан аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини олиб боришмоқда. Улар фуқароларимизга ёнғинларнинг келиб чиқишига кишиларнинг бепарволиги асосий сабаб бўлаётганини, лоқайдлик сабаб уй-жойлар куйиб кулга айланаётганини мисоллар ёрдамида тушунтириб бермоқдалар.

Ёш болаларни қаровсиз қолдириш ҳам аҳоли турар жойларида ёнғинга олиб келувчи сабаблардан бири ҳисобланади. Шу сабабли, ота-оналар фарзандларини оловдан эҳтиётлаш билан бирга, уларга ёнғин хавфсизлиги қоидаларини ҳам ўргатиб боришса, мақсадга мувофиқ бўларди.

**Ғулом ПИРМАМАТОВ,**
**28-ХЁХК кичик инспектори, кичик сержант**


## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**«Respublika Mulk Markazi» АЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Савдога Тошкент шаҳар Олмазор тумани суд ижрочилари бўлими томонидан Тошкент шаҳар хўжалик судининг 19.08.2014 йилдаги 10-1413/11601-сонли ижро варақасига асосан хатланган Тошкент шаҳри Лайлитўғон кўчаси, 1-уй манзилида жойлашган «Avto Plaza Service» МЧЖ жарима майдонида сақланаётган «Эпика» русумли д/р: 01/420 RBA бўлган, 2011 йил и/ч автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 67 225 000 сўм.

**Аукцион савдоси 2015 йил 27 март куни соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади.** Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2015 йил 25 март куни соат 18:00. Автотранспорт воситаси билан Олмазор туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилган закалат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «RMM» АЖнинг АИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон филиалидаги ҳ/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850 га тўлашлари шарт. Савдода иштирок этиш учун ариза, закалат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома, чет эл юридик ва жисмоний шахслари қўшимча равишда сўмдаги маблағларнинг келиб чиқиши қонунийлигини тасдиқлайдиган маълумотлар тақдим этилади.

Аризаларни қабул қилиш ва савдолар ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1^-уй. Тел: 228-79-52. www.rmm.uz. Гувоҳнома № 001580.



"Қибрай" клиник санаторийси юрак-қон томир ва асаб тизими касалликларини даволаш бўйича мамлакатимиздаги етакчи ихтисослаштирилган сиҳатгоҳдир.
Бу ерда 2 нафар профессор, олий тоифали кардиолог, невропатолог, пульмонолог ва бошқа етук мутахассислар тиббиётнинг энг илғор усуллари асосида беморларни даволайдилар.
Фин, турк, япон сауналари, бассейн, жакузи ванналари, фитобочка, инфрақизил нур билан даволаш хонаси ишлаб турибди.
Сиҳатгоҳда фитобар, теннис корти ва яна кўплаб қулайликлар мавжуд.
Яшаш хоналари кабель ТВ ва маиший электр асбоблари билан жиҳозланган.
Ошхонада 5 маҳал парҳез таомларни ўз ичига олган таомнома тавсия қилинади.





Манзилимиз:
Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Қибрай қўрғони.
Метронинг "Буюк Ипак йўли" бекатидан 101-автобус ёки 135-йўналишли таксида "Дача" бекатига бориш мумкин.
Тел.: (8-371) 286-01-46, 286-02-00, 286-01-97.
Хизматлар лицензияланган

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**Якка тартибда уй-жой қуриш учун ер олувчилар диққатига!**

*Фуқаролар ўзининг шахсий мулкида бўлган кўп қаватли уйлардаги хонадонларини туман ҳокимликлари ихтиёрига топшириш эвазига Тошкент шаҳрининг Олмазор, Яшнобод, Сергели, Мирзо Улуғбек, Бектемир туманларида якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкалари олишлари мумкин.*

***Мурожаат учун телефон: (+99895) 193-03-13***

**Билдириш**

«Тошкент оқшоми» газетасининг 29.01.2015 йилдаги 19-22-сонида чоп этилган хабарнома билан Олмазор тумани суд ижрочилари бўлими томонидан «РММ» АЖнинг очиқ аукцион савдосига чиқарилган «Дамас» русумли автотранспорт воситасининг давлат рақами 01-599ЕВА деб ўқилсин. Манзил: Тошкент ш., Олмазор т., 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52.


**ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ**

*Тошкент шаҳрида **25 февраль** куни ҳаво ўзгариб туради, вақти-вақти билан (ёмғир, қор) ёғингарчилик бўлади. Эрталаб (соат 11 гача) ва кечки пайт (соат 17 ларда) туман тушиши мумкин. Ғарбдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 0-2, кундузи — 2-4 даража илиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **25 февралда** Тошкент шаҳрининг обҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*


Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95. факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2010-9224

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz

Буюртма Г- 255

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 12863 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул Д. Исроилов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Босишга топширилди: 16.20

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ